

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ
РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИ ЖОРӢЙ ЭТИШ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”
МАВЗУСИДАГИ**

**РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**

**ИЛМИЙ МАҶОЛАЛАР ВА
МАҶРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ
(2018 йил 18 декабр)**

ТОШКЕНТ-2018

| | | |
|---|---|-----|
| 91. С. Байжанов, Қ. Данияров | Кластерли ёндошув – иқтисодий ўсиш омили..... | 233 |
| 92. Н. Ражабов Г. Бекмуродова | Инвестицион мухит жозибадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш йўналишлари тадқиқи хусусида | 235 |
| 93. Ҳ. Ҳакимов | Яшил иқтисодиётни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими..... | 237 |
| 94. A. Ibodullayev, B. Mansurov | Iqtisodiyotning real sektorini korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish..... | 241 |
| 95. М. Марупова, Х. Қосимова | Узум етиштириш ва унинг ракобатбардошлигини ошириш омиллари..... | 242 |
| 96. Д. Юсупова, М. Азизуллаев | Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи ракобатбар- дошлигини оширишнинг асосий йўналишлари..... | 244 |
| 97. B. Bozorov, N. Qudratova | Qishloq xo'jaligini moderniztsiya qilish orqali mahsulot raqobat bardoshligini oshirish yo'llari..... | 245 |
| 98. И. Махкамов, О. Казаков, Р. Хожиматов | Кишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ички имкониятларни ҳаракатга келтириш масалалари.... | 247 |
| 99. О. Казаков, Л. Убайдуллаев | Кишлоқ хўжалигида самарали агрокластерларни шакллантиришнинг долзарб масалалари..... | 250 |
| 100. M. Olimov, U. Amirqulov | Raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarishga asoslangan iqtisodiyotni rivojlantirish orqali aholi bandligini ta'minlash muammolari..... | 252 |
| 101. Г. Абдилакимов Г. Бекмуродова | Инвестиционная привлекательность регионов как фактор их конкурентоспособности..... | 256 |
| 102. М. Гаппарова | Повышение конкурентоспособности продукции на междунароидном рынке..... | 260 |
| 103. Д. Рўзиева | Инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакл- лантиришда кичик бизнес субъектларининг ўрни.... | 262 |
| 104. А. Яхшимуратова | Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари..... | 265 |
| 105. И. Алимов, Ш. Хасанова | Ўзбекистонда реал секторни молиялаштиришда молия-саноат гурухларини жорий этишнинг истиқболлари..... | 268 |
| 106. И. Хотамов, Ў. Турсунова | Особенности развития конкуренции на рынке финансовых услуг..... | 271 |
| 107. М. Бауетдинов | Корхоналарнинг инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг айрим долзарб масалалари.... | 273 |
| 108. И. Тоймухамедов, Л. Хайдарова | Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий ресурслар билан таъминлаш вазифалари..... | 274 |
| 109. С. Расулова, А. Ибодуллаев | Хорижий инвестициялар тадбиркорликни ривожлан- тиришнинг мухим омили..... | 278 |
| 110. G. Karabayeva | Korxonalarni rivojlantirishning investitsion usullari..... | 279 |
| 111. M. Olimov, L. O'rroqova | Innovatsion iqtisodiyot va uning mamlakat rivojlanishidagi o'rni..... | 281 |
| 112. У. Юлдошев, К. Акрамов | Инвестиция сиёсати ва унинг самарадорлигини oshiриш йўллари..... | 284 |

qiymati ulushi 1,7 foizli punktga ko'paygan va boshqa xarajatlarning ulushi 1,0 foizli punktga kamaygan.

Investitsiya dasturini amalga oshirishda korxonalarining o'z mablag'lari hisobidan yo'naltirilgan to'g'ridan-to'g'ri xususiy investitsiyalarning yildan-yilga faol ishtrok etayotgani barchamizga alohida mammuniyat bag'ishlaydi. Birgina o'tgan yilda bunday investitsiyalar hajmi 10,3 foizga o'sib, 4 milliard 300 million dollarni yoki jami investitsiyalar hajmining qariyb 30 foizini tashkil etadi. Iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha o'zlashtirilgana asosiy kapitalga investetsiyalar qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligida 2004,3mlrd.so'm jamiga nisbatan 2006-yilda 3.2 foiz va 2017-yilda esa 3.3 foizga o'sish erishildi. O'zbekistonda amlga oshirilayotgan investitsiya siyosatining o'ziga xos xususiyati mahalliy xomashyo resurslarini chuqur qayta ishlashni ta'minlaydigan, yuqori texnologiyalarga asoslangan yangi ishlab chiqarishlarni tashkil etishga qaratilgan investitsiya loyihibariga ustuvor ahamiyat berilayotganida namoyon bo'ladi.

Birinchi darajali e'tibor mamlakatimiz iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirish bo'yicha dastur tayyorlash va uni amalga oshirilishiga qaratilishi lozim. Bu maqsadning dolzarbligi ahamiyati avvalo shu bilan belgilanadiki, biz o'rta muddatli istiqbolda iqtisodiyotimizning rivojlangan demokratik davlatlar darajasiga olib chiqishini hozirgi bosqichdagi bosh strategik vazifa sifatida qo'yilgandir. O'z-o'zidan ayonki, raqobatdosh iqtisodiyotni shakllantirmasdan, pirovard natijada esa raqobatdosh mamlakatni barpo etmasdan turib, biz qabul qilingan mamalakatimizda demokratik islohotlarni kuchaytirish va barqarorlik jamiyatini rivolantirish konsepsiyasida ko'zda tutilgan maqsadli vazifalarni amalga oshirmsandan turib, bu haqida jiddiy so'z yuritish mumkin emas. Bugungi kunda ko'plab rivojlangan va jahon iqtisodiyotida yetakchi o'r'in tutadigan mamlakatlar tajribasi shuni so'zsiz isbotlab bermoqdaki, raqobatdoshlikka erishish va dunyo bozorlariga chiqish, izchil isloh etish, tarkibiy jihatdan o'zgartirish va diversifikatsiya qilishni chuqurlashtirish, yuqori texnologiyalarga asoslangan yangi korxona va ishlab chiqarish tarmoqlarining jadal rivojlanishini ta'minlash, faoliyat ko'rsatayotgan quvvatlarni modernizatsiya qilish va texnik yangilash jarayonlarini tezlashtirish hisobidan oshirilishi mumkin.

*И. Махкамов - и.ф.н., доц., НамМТИ
О. Казаков - и.ф.н., доц., НамМТИ
Р. Хожсиматов - асс. НамМТИ*

Қишлоқ хўжалигига фойдаланилмаётган ички имкониятларни ҳаракатга келтириш масалалари

Хозирги вақтга қадар мамлакатимиз ва жаҳон олимлари ҳамда тадқиқотчиларининг диққат-марказида турган масалалардан бири – қишлоқ хўжалигидаги фойдаланилмаётган ички имкониятларни ҳаракатга келтириш масаласидир. Ушбу йўналишда мамлакатимиз ва хориж олимларининг қатор изланишлари ва тадқиқотлари амалга оширилган. Шу билан биргаликда, мамлакатимиз худудларида ўсадиган янтоқ хом ашёсидан юқори калорияли гранулаларни олиш масаласига умуман эътибор қаратилмаган¹⁵².

Мамлакатимизнинг турли худудларида бўлгани каби Намангандек вилоятида ҳам ушбу йўналишда ижобий натижаларга келтирувчи бир қатор ишлар амалга оширилди.

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони Тошкент, 2017 йил 7 февраль “Намангандек ҳақиқати” газетаси, 2017 йил йил 11 февраль № 12 (19321)

Мамлакатимизда иқтисодиётни, жумладан унинг қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш, зарур ишбилармонлик мухитини яратиш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида вилоятда 2017 йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 4,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги 1,8 фоизга, капитал қўйилмалар 3,7 фоиз, қурилиш ишлари 7,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 3,1 фоиз ва жами хизматлар ҳажми 5,0 фоизга ўсиши таъминланади.

Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳолатини таҳлил қиласиган бўлсақ, қишлоқ хўжалигининг турли соҳалари ва тармоқларини бўйича ривожланиш суръатлари кузатилмоқда. Жумладан 2017 йили мамлакатимизнинг Наманган вилоятида жами қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида 3568197,3 млн.сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган 2016 йилга нисбатан 106,9 фоиз ўсишга эришилди. Вилоятнинг барча ҳудудларида 2017 йили ўтган 2016 йилдаги даражадан кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Шунга қарамасдан, вилоятнинг айрим туманларида, ҳусусан Наманган, Тўракўрғон, Норин ва Тўрақўрғон тўманларида 2017 йилда маҳсулот экспорт қилиш ҳажми 2016 йилдаги даражанинг 30-40 фоизи даражасида қолиб кетди. 5.8-жадвалда Наманган вилоятида 2017 йилда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштиришнинг ҳолати келтирилган.

5.8-жадвал

Наманган вилоятида 2017 йилда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш

| № | | Сабзавот, тонна | Картошка, тонна | Мева, тонна | Узум, тонна |
|----|---------------|--------------------|--------------------|-------------|-------------|
| 1 | Наманган ш. | 24711 | 201 | 3835,0 | 3080,0 |
| 2 | Мингбулоқ | 19212 | 6140 | 6330,0 | 1138,0 |
| 3 | Косонсой | 35166 | 8282 | 11898,0 | 5180,0 |
| 4 | Наманган | 115405 | 13749 | 21875,0 | 11496,0 |
| 5 | Норин | 42920 | 18129 | 7843,0 | 1246,0 |
| 6 | Поп | 36189 | 10221 | 18162,0 | 2817,0 |
| 7 | Тўракўрғон | 53333 | 14835 | 17365,0 | 14566,0 |
| 8 | Уйчи | 76310 | 11138 | 16573,0 | 10557,0 |
| 9 | Учқўрғон | 77204 | 18648 | 12630,0 | 4156,0 |
| 10 | Чортоқ | 79442 | 24777 | 30575,0 | 14140,0 |
| 11 | Чуст | 61288 | 33166 | 36657,0 | 10096,0 |
| 12 | Янгиқўрғон | 120361 | 102064 | 65822,0 | 41391,0 |
| | Вилоят бўйича | 741541 | 261350 | 249565,0 | 119863,0 |

Манба: Наманган вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Вилоятда етиштирилган сабзавот ва мева маҳсулотларининг энг катта қисми Янгиқўрғон ва Наманган туманларига тўғри келади. Ҳудди шу туманларда маҳсулот экспорт қилиш ҳажми ўтган 2016 йилга қараганда камайишига йўл қўйилган. Бу

маълумотлар вилоятнинг мева-сабзавотчилик тармоғида агрокластерни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйишни тақозо этади.

Мева-сабзавотчилик тармоғида агрокластерларни шакллантириш масаланинг бир томони бўлса, уларнинг самарасини ошириш унинг муҳим томони ҳисобланади. Бу эса агрокластерларни самарали равишда бошқаришни ташкил этишни талаб қиласди¹⁵³.

Мева-сабзавотчилик тармоғи мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Мева-сабзавотчилик Ўзбекистон учун жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувни ва валюта тушумини таъминлаб берувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Наманган вилояти улкан қишлоқ хўжалик ресурсларига эга бўлиб, унинг умумий ер майдони 718,3 минг гектарни ташкил этади. Жумладан, 223,4 минг гектари ҳайдаб экин экиладиган майдон, 41,0 минг гектари кўп йиллик дараҳтзорлар ҳамда 154,6 минг гектари қишлоқ хўжалигига яроқли яйлов ва 268,5 минг гектари бошқа ерлардан иборат. Мамлакатимизда, жумладан Наманган вилоятида ҳам қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан давом эттирилиши, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини қескин қўпайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида самарали агрокластерларни шакллантиришни ва улар фаолиятини бошқаришни оқилона амалга оширилишини талаб қиласди. Агрокластерларни ташкил этиш заруряти, тамойиллари, босқичлари, ривожлантириш йўллари ва самарадорлигини баҳолашда кенг қамровли ёндашув талаб этилади. Жумладан, авваламбор, назарий жиҳатдан бир хил гурухлар обьектларини иқтисодий-географик жойлашувига кўра, кўп ўлчовли статистик жараёнлар жамланмаси таҳлиллари амалга оширилиши лозим. Методологик жиҳатдан эса, кластерлар худудий-тармоқ мажмуаси назарияси, тизимли ёндашув, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодий ўсиш концепцияларининг ўзаро алоқаларини акс эттиради. Ниҳоят, амалий жиҳатини, кластер иштирокчилари – қишлоқ хўжалиги ва унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришни стратегик бошқаришдан фойдаланиш ва эришилган натижалари ташкил этади¹⁵⁴.

Иқтисодиёт ривожининг сўнгги йилларида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигига ҳали фойдаланилмасдан келинаётган қатор имкониятлар ҳам мавжудки, уларни ўрганиш ва ҳаракатга келтириш қишлоқ хўжалигининг ривожланишига катта туртки беради. Бу тайёрланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини бузмаган холда узоқ вақт сақлашни ташкил этиш ва аҳолига, истеъмолчиларга зарур бўлган вақтда етказиб беришни амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада такомиллаштириш, қайта ишлаш корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш масаласи муҳим имкониятдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш ва уни кам харажат талаб қилувчи технологияга айлантириш борасида изланишларни амалга ошириш ҳам муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Бу йўналишларни амалга

¹⁵³ Г.А.Саматов ва бошқалар – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти – Дарслик. Т.: “Чўлпон” 2012 й.

¹⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Наманган ҳақиқати” газетаси. 2017 йил 23 декабрь, № 102 (19411)

оширилиши катта самара олинишига сабаб бўлади ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлилик даражасини оширишга олиб келади. Ушбу масалаларнинг ечими қишлоқ хўжалигига агрокластерларни ташкил этиш билан амалга оширилиши мумкин. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишитириш, қайта ишлаш ва сақлаш, истеъмолчиларга сифатини бузмаган холда етказиб бериш имконияти туғилади ва бу катта самара олинишига ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ортишига туртки беради.

*О. Казаков - и.ф.н., доц., НамМТИ
Л. Убайдуллаев - и.ф.н., доц., НамМТИ*

Қишлоқ хўжалигига самарали агрокластерларни шакллантиришнинг долзарб масалалари

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти ривожида энг муҳим масалалардан бири аҳолининг ортиб бораётган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш масаласи ҳисобланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган маҳсулотларга, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ўсиб боради. Бу талабни тўлақонли равишда қондириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ етишитириш билан биргаликда, етиширилган ҳосилни қайта ишлаш ва узоқ вақт сифатини бузмаган холда сақлаш ҳам зарурдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, узоқ вақт мобайнида сифатини бузмаган холда сақлаш ва аҳолини улар билан бир текис таъминлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу масала жуда катта ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўнжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам бу масаланинг долзарблиги алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишитириш, сақлаш ва чуқур қайта ишлаш масалаларига катта эътибор қаратилади. Ҳозирги вақтда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ортмаслигини Президентимиз ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаларида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу мурожаатномада мамлакатимизда аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш хажми 10 фоизга ҳам етмаслиги, холбуки, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқроқни ташкил этиши кўрсатиб ўтилди. Бу борада мамлакатимизда мева-сабзавот етишитириш ва уларни сақлашга аҳамият қаратиш зарурлиги белгиланди. Табиат томонидан берилган неъматларни сақлаш муҳим аҳамиятга эгадир ва барча мутахассисларнинг вазифасидир.

Мамлакатимизда иқтисодиёт ривожининг кейинги йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишитиришни кўпайтириш билан биргаликда уларни чуқур қайта ишлаш ва сақлаш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “2017-2018 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни янада чуқурлаштириш ва уларни сақлаш бўйича қувватларни барпо этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2716 сонли қарорида мамлакатимизда мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш йўналишидаги масалалар кўриб чиқилиб, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни янада чуқурлаштириш ва уларни сақлаш бўйича янги қувватларни барпо этиш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар